

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ҲАМ ИЛМНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

Халқаро эътироф этилган стандартларнинг талабларига мувофиқ чет тилларни билиш даражасини баҳолашнинг Миллий тест тизimini ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ўрганувчиларни чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш тўғрисида тест ўтказиш (жумладан, Интернет орқали масофавий) ва давлат намунасидаги тегишли малака сертификатини беришни ташкил этиш; ўрганувчиларнинг мустақил равишда, чет тилини билиш ва эгаллаш даражасини аниқлаш учун, тест таъйёрлашларига зарур маълумотларни тайёрлаш ва Интернет тармоғига жойлаштириш.

Марказнинг бюджетдан ташқари даромадлари ҳисобидан унга юкланган вазифаларни бажариш учун Марказга тўлов асосида мустақил экспертларни ва имтиҳон олувчиларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Давлат тест маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда, 2015/2016 ўқув йилларидан бошлаб, барча олий таълим муассасаларига кириш тестлари блокига ҳорижий тилни киритиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларида чет тиллар ўқитувчиларига зарур эҳтиёжи бўлган ўзқўшмалар ва кишлоқ аҳоли пунктларида яшаётган аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга оширишга руҳбат этилади;

мақсадли қабул асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган шахслар, ўқини битирганларидан сўнг, ўзлари яшаётган жойларда жойлашган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тавсияномаларида кўрсатилган таълим муассасаларида 5 йилдан кам бўлмаган муддатда олинган мутахассисликлари бўйича ишлаб беришлари шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг чет тиллар ўқитувчилари ва муаллимларига қонун ҳужжатлари билан белгиланган рағбатлантирилувчи тўловлар ва қўшимчаларни ҳисоблашда, уларнинг лавозим машоғули таркибига киритилган ҳолда кишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасаларида уларнинг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз ставкалари миқдоридан ортиқ қўшимчалар қўшиб беришни белгилаш тўғрисидаги тақлифни қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус ҳунар таълими маркази уч ой муддатда, молиялаш манбалари Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар, ҳорижий кредитлар ва халқаро грантлар, шунингдек ҳимийлар ва хайриячилар маблағлари қўшадиган ҳолда, 2013-2016 йилларда таълим муассасалари ҳорижий тиллар кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация ва ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан (қўшимча жиҳозлаш) жиҳозлашнинг жадаллаштирилган дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ихтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда уни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, болалар ва ёшларнинг манфаатлари ҳамда қизиқишларини инобатга олган ҳолда, қуйидагиларни таъминласин:

телевидение, шу жумладан маҳаллий телеканаллар орқали болалар ва ўсмирларни ҳорижий тилларга ўргатиш бўйича кўрсатувлар тайёрлаш ҳамда уларни трансляция қилиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданияти, жаҳон илми ва техникасига бағишланган илмий-оммабоп ҳорижий бадий ҳамда мультимедиявий фильмларни ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида, мунтазам кўрсатиб беришни амалга ошириш;

"ZiyoNet" тармоғи орқали таълим муассасаларининг халқаро таълим ва билим олиш манбаларига кириш имкониятларини сезиларли ортириш, унинг ресурс марказини мультимедия ресурслари, шахсий компьютерлар ва мобил ускуналар учун иловалар билан бойитиш, шунингдек, инглиз тилида ўқув ва бадий адабиётлар, ихтисослаштирилган расмлар билан безатилган газеталар, ижтисодиётнинг чоп этиш, уларга махсус рунлар ҳамда иловаларни ташкил қилиш.

10. 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ҳар йили бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Ихтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар, шунингдек, идоравий меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 10 декабрь

МЕҲНАТДАН КЕЛГАН БОЙЛИК ВА ОБРЎ



(Боши 1-саҳифада)

— Фаолиятимизни 3,7 гектар ерда бошланганмиз, — дейди Насиба Нурова. — Худудларимиз асосан боғдорчиликка ихтисослашган. Тўғрисида, узум етиштирилади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Президентимизнинг 2006 йил 9 январдаги "Мева сабзавотчилик ва узумчилик саҳасида ихтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз учун том маънода ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Фармон ижроси ўралоқ, тоқзорларга ҳам эътибор қўйилди. Бу сай-ҳаракатлар натижаси бугун яққол кўзга ташланмоқда. Оддий мисол, авваллари ҳар гектар ердан 3-4 тонна атрофда ҳосил олинарди, холос. Тупроқ унумдорлигининг ошиши, санавтўбоп узум навларининг яхшиланиши, фермерлар билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида ҳамкорликнинг кенгайиши, энг муҳими, манфаатдорликнинг юксалиши ҳосилдорлик кўтарилишига омил бўлди. Айни пайтда худудимиздаги фермерлар ҳар гектар ердан 80-90 центнердан ҳосил олишяпти.

Узумчилик ҳам даромадли тармоқ. Бунинг учун фақат меҳнат ва керакли ишловни вақти-вақтидан қўллаш жоиз. Кеч қузда ток новдаларини қўшидан тортиб, яқоб суви, чилла суви, маҳаллий ўғитлар солиш дегандек, баҳорда ток очилган бошланган дала иши ҳамтоқ, зараркундаларга қарши куралиш тадбирларига улашиб кетади. Ахир шираси тилни ёрдиган узумни етиштириш осон эмас-да. Ҳа, Насиба Нурова бошлиқ фермер хўжалигида узумчиликда илғор тажрибаларни амалиётга қўллаш натижасида маҳсулот сифатини яхшилаш, ҳосилдорликни оширишга эришилди. Шунингдек, узумнинг хўраки ва санавтўбоп навларини етиштириш баробарида картошканинг эртапишар суперэлитна навлари экиляпти. Жорий йилда фермер хўжалигининг ялли даромади 110 миллион сўмни ташкил этди. Шунинг деярли ярми соф фойда. Ана энди ўзининг мулоҳаза қилинг, бундан, энг аввало, ким манфаат қўради. Албатта, хўжалик ёъзолари, маҳаллошлар, кишлоқдошлар...

Юртбошимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фермерларга катта имкониятлар зийгини очди.

— Юртимизда фермерларга берилаётган эътибор ва яратилаётган шароитлар кучимишга куч, гайратимизга гайрат қўшди, — дейди Насиба Нурова. — Ахир фермер ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлансагина ишида унум ва барака бўлади. Қолаверса, фаолиятини кенгайтириш имконияти туғилади. Биз ҳам хўжалигимизда мева, узумни қайта ишлайдиган замонавий технология, советки сотиб олишни режалаштирямиз. Бу билан яна кўплаб янги иш ўринлари ташкил этамиз.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Сургарё Вилояти

ҚИШЛОҚЛАР КЎРКИГА КЎРК ҚЎШАЁТГАН ИШООТЛАР

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида муҳим дастуриламал вазифасини ўтаётди.



Буни Сирдарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, бу ерда 2009 йилда 60 та, 2010 йилда 275 та, 2011 йилда 310 та уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда эса қурилиш қўламини янада кенгайтириш, вилоятнинг тўртта —

Мирзаобод, Бобўут, Гулистон, Ховос туманларида 320 та замонавий уй-жой қуриб битказилмоқда. — Иш суръати ва сифатини янада яхшилаш мақсадида қурувчиларни моддий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратяпмиз, —

ни қири қуриш машиналари билан мукофотланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни арафасида Мирзаобод туманидаги Хайдар массивида 40 та, вилоятнинг бошқа қурилиш массивларида 60 та замонавий уй-жойларни ўз соҳибларига топширилди. Қурилиш суръатини жадаллаштиришда ташкилотларнинг ҳиссалари ҳам салмоқли бўлмоқда. Масалан, Дўстлик канали, вилоят гидрогеология мелиоратив экспедицияси бошқармаси, "Темур мед Фарм" МЧЖ ва Гулистон шаҳар ҳокимлиги Гулистон туманидаги Амир Темур массивида 30 та уй-жой қурилишини поёнига етказишяпти.

Вилоятда "Бобўут-Бунёдор", "Фарход гишт қурилиш", "Олтинтепа гишт инвести", "Сайхун гишт", "Гулистон барока уни садаф", "Фарход Фазлидин", "Сирдарё локс мебель сервис" каби МЧЖ ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилган. Бу эса бунёдкорларни арзон ва сифатли қурилиш моллари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Мирзаобод туманидаги Хайдар массиви, Гулистон туманидаги "Амир Темур" маҳаллаларида янги тураржойлар, мактаб, қишлоқ врачлик пункти, гузар, спорт майдончаларининг қурилиши қишлоқлар кўркига кўрк қўшмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ХАБАРЛАР

Хоразм Вилояти

ЖАЛОИРДА ЯНГИ ГУЗАР

Гурали туманидаги Олга қишлоғи Жалойир маҳалласида янги тадбирлар уйи, машиной савдо, тиббий хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат замонавий маҳалла гузари ишга тушди.

— Бу янги гузар маҳалламиз кўркига кўрк қўшди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Йўлдошбой Уроқбоев. — Муҳим жиҳати шундаки, ўндан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Гузари бунёд этишда Бахтиёр Отажонов, Файзулла Холликов, Мадаминов Қутимов, Дўстмамат Худойберганов, Ражаббой Хайтимматов каби саховатпеша тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

УЙ ТЎЙЛАРИ БАЙРАМГА УЛАНИБ КЕТДИ

Хонқа туманидаги Қирққўш қишлоғи Обод маҳалласида истиқомат қилувчи 15 та оила намунавий лойиҳа асосида қурилган, барча қулайликларга эга янги уйларга кўчиб ўтди.

"Хонқатараққўшқурилиш", "Бунёдқурилишсервис", "Маҳмудқурилиш" хусусий корхоналари томонидан қўшни Пахтакор маҳалласида 45 та, Ширин маҳалласида 20 та уй-жой қурилиши ҳам ниятсизга етказилди. Демак, яна 65 та оиланинг ҳовли тўйи қувончлари байрам шодияналарига улашиб кетади.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Навоий Вилояти

АНЖУМАН КОМУСИМИЗГА БАФИШЛАНДИ

Навоий давлат қончилиқ институтининг 2-сонли академик лицейида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — демократик давлатнинг ҳуқуқий асоси" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Комусимизнинг ёшлар ҳаётида тугган ўрни, унинг яратилиши, жамиятдаги аҳамияти, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг конституциявий кафолатлари каби мавзуларда фикр юритишди.

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Навоий вилояти Қон қўйиш марказида "Қон бу — ҳаёт" деб номланган хайрия акцияси ўтказилди. Унда қўзланган мақсад ҳудудда донорлик фаолиятини кучайтириш, айрим кишилар учун қон топириш фойдали эканини тушунириш ва фуқароларнинг ўз саломатлигига бўлган ишончини оширишга қаратилди.

Акцияда вилоятдаги турли ташкилот ва корхоналардан донор бўлиш истагида бўлган вакиллар иштирок этишди. Улар донорлик талабларига қўра, қон топиришдан олдин тиббий текширувдан ўтишди.

— Ҳа, шундай бўвд донорман, — дейди "Навоий дон маҳсулотлари" ОАЖ ходими Шаҳобиддин Нишонев. — Қар сафар қон топиришимдан кейин ўзимни яхши ҳис қиламан. Чунки донорлик меннинг ҳолатимда соғлиғим учун фойдали, қолаверса, мен топираётган қон яна қайсибир ватандошимнинг саломатлигига хизмат қилишини яхши биламан.

ЯНГИ БИНО ҚУЛАЙЛИК ЯРАТДИ

Навоий шаҳрида вилоят давлат санитария-эпидемиология нозорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни "Ғолиб-Бекзод" хусусий фирмаси бунёдкорлари қисқа муддатда барпо этишди.

Марказнинг олдинги биносида шароитлар талаб даражасида эмасди. Масалан, таҳлил қилиш учун зарур бўлган бактериология, паразитология ва санитария-гигиена лабораториялари тарқоқ ҳолда, бири шаҳар ДСЭНМда, иккинчиси Карманда жойлашганди. Бу эса фуқароларнинг тиббий қуриқдан ўтишларида муаммо туғдирарди. Энди эса уларнинг барчаси бир жойга жамланди.

Абдурашул САТТОРОВ

ИНСОН МАНАФААТИ УСТУВОР ЮРТ — ОБОД БЎЛАДИ

(Боши 1-саҳифада) Мамлакатимизда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётнинг янада обод бўлиши учун амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ҳаммамиз кўриб турибмиз, ҳаётимизда ҳис этиляпти. Бу рақамларда янада ойдинлашди. Йигирма бир йил давомида мамлакатимиз ихтисодиёти 3,5 баробардан зиёд ўсгани, ўтган даврда ялли ички маҳсулотнинг жон бошига 2,5 баробардан ошгани ҳам турмушимизнинг қанчалик яхшиланиб, фаровонлашиб бораётганидан далолат.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққийнинг "Ўзбек модели" нақадар тўғри ва мукамил йўл эканлигини бугун ҳаётимизнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тараққийнинг бундай ўзимизга хос ва мизни тоғдек қўтарди. Эртанги кунга ишончиликни янада мустаҳкамлайди. Кўнглимизни обод этади. Кўнгли обод инсоннинг оиласи, турмуши обод бўлади. Оила мустаҳкам, оила обод экан, жамият раванк топади, юрт ихтисодиёти юксалади.

Эришилаётган ютуқлар, келажакка ишонч тўғриси мустаҳкамликнинг асосий омил — юртимиздаги тинчликдандир. Ён атрофимиздаги воқеалар, жаҳондаги қўллаб-даватларда бўлиб турган муҳдишликлар ҳеч биримизни берафқ қолдирмаслиги табиий. Бунинг асосатидан ўқий олмадик. Меҳнат ва фақат меҳнат билан кунимиз ўтди. Умр бўйи пахтада шуни нъмат. Тинчлик — тараққий негизи.

Эришилаётган ютуқлар, келажакка ишонч тўғриси мустаҳкамликнинг асосий омил — юртимиздаги тинчликдандир. Ён атрофимиздаги воқеалар, жаҳондаги қўллаб-даватларда бўлиб турган муҳдишликлар ҳеч биримизни берафқ қолдирмаслиги табиий. Бунинг асосатидан ўқий олмадик. Меҳнат ва фақат меҳнат билан кунимиз ўтди. Умр бўйи пахтада шуни нъмат. Тинчлик — тараққий негизи.

Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, қачон юрт тинч ва обод бўлади? Қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудалиқнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлашни, уни ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билиши, тинчлик учун курашсагина бу мақсадга эришиши мумкин.

— Юртбошимизнинг маърузасини тинглаб эканман, обод турмушимизда тинчликнинг нақадар зарурлигини яна бир бор кўнглимдан ўтказдим, — дейди қашқадарёлик етмиш ёшли онахон Анор момо Маманова. — Бизнинг болалгимиз уруш ва ўндан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Урушнинг асоратидан ўқий олмадик. Меҳнат ва фақат меҳнат билан кунимиз ўтди. Умр бўйи пахтада шуни нъмат. Тинчлик — тараққий негизи.

Қорақалпоғистон Республикаси

«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАР ҲАР ДОИМ ЗАРУР

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан ёнгининг олдини олиш борасида кенг қўламли тарбиёт-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг шу кунига қадар ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан 57 та корхона ва ташкилотлар текширилиб, 312 тасида мониторинг ўрнатилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси, майор Алишер Бекмуратов. — Бундан ташқари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари аҳоли турар-жойлари, шунингдек, ёнгин хавфи юқори бўлган корхоналар мутахассислар иштирокида текшириб чиқилди. Натижада талабга жавоб бермайдиган газ мосламалари узиб қўйилди. Ёнгин чиқishi хавфи бўлган корхона, ташкилот, муассаса, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди.



Нукус шаҳар 1-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отряди экилаж командири, кичик сержант Комилжон Ахшеров, отряд командири, подполковник Фарҳод Туроев ва смена бошлиғи, лейтенант Илҳом Акимовлар.

ларига 261 та тақдимномалар киритилди. Хокимликларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокидаги йиғилишларда газ ва электр энергисидан оқилана фойдаланиш, тўловларни ўз вақтида амалга ошириш юзаси-

дан тавсиялар берилмоқда. «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»нинг аҳамияти, вақтинчалик ўтказилган электр симлари, носоз, кўлбола ясалган газ ва электр ускуналарида фойдаланиш, болаларни қаровсиз қолдириш каби ҳолатларнинг қандай оқибатларга олиб келиши яққол мисоллар билан тушунтирилмоқда.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш — мавсумий иш эмас. Ёнгин хавфсизлиги қандай ва талабларига риоя қилиш, электр ускуналари ва газ қурилмаларидан эҳтиётлик билан фойдаланиш нафақат хавфсизлик ойлиги мобайнидаги, балки ҳар кундаги оқибатларга олиб келиши яққол мисоллар билан тушунтирилмоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

Ёнгинларнинг олдини олиш ва уларнинг аянчи оқибатларидан аҳолини яна бир бор огоҳ қилиш мақсадида республикада «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Унда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз лозим. Фаолликнинг асосий шарти — огоҳликдир.

ТАДБИРЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Ҳозирда ойлик доирасида барча меҳнат жамоаларида, таълим-тарбия ва даволаш муассасаларида, маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинларида аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш билан бирга бу йўналишдаги мавжуд муаммолар кўриб чиқилмоқда.

Таҳлиллардан аёнки, жорий йилнинг ўтган 10 ойида тизимда амалга оширилган ишлар ва кўрилган чора-тадбирлар натижасида республика ҳудудидан содир бўлган ёнгинлар сони, ёнгинларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ҳолатлари 2011 йилнинг шу даврига нисбатан камайишига эришилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кўп қаватли уйлар орасидаги йўللарга сунъий тўсиқлар ўрнатилиши, уйларнинг атрофида баланд панжаралар ва ҳар хил бинолар қуриб олиниши ҳамда тунги вақтда шахсий автомобилларнинг тартибсиз ҳолда сақланиши — ёнгин содир бўлган жойга ёнгин ўчириш экипажларининг етиб бориш вақтини узайтириб, ёнгин жойидан инсонларни қутқариб олиш учун ҳалақат бериб, ёнгин майдонининг кенгайиб кетишига, фуқароларимизнинг йиллар давомида машаққатли меҳнатлари эвазига барпо этилган бино, иншоот ва мол-мулкни қисқа фурсат ичида қулга айланмишига сабаб бўлади.

Энг ачинарлиси, одамларнинг тан жароҳати олиши ва ҳалок бўлиши каби ҳолатларга ҳам олиб келиши мумкин. Демакки, ҳар биримиз фаол — огоҳ бўлайлик.

Файрат МУТАЛОВ, ЎЗР ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, майор.



СТАХМАТ МАРАТ ЖУМАЕВ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида «Rose Valley Open International Chess Tournament 2012» халқаро шахмат турнири ўтказилмоқда. Унда иштирок этаётган ҳамюртимиз Марат Жумаев 7 турдан сўнг пешқадамлар сафида бормоқда.



Дунёнинг ўн олти давлатидан 100 нафар шахматчи донга сураётган мусобақада гроссмейстеримиз Марат Жумаев дастлабки уч турда ҳиндистонлик халқаро тоифадаги спорт усталари — Ниша Мохта, Рой Саптарши ва Жи Станини мот қилган бўлса, тўртинчи турда мусобақа голиблигига асосий даъвогарлар сафида кўрсатилган, украиналик гроссмейстер Антон Корбовни мағлубиятга учратди. Бешинчи турда ҳозирда 5,5 очко тўплаган ҳолда мусобақа яқна пешқадами бўлиб турган, яна бир мезбонлар вакили — Сантош Гужрати Видит билан баҳсда мағлуб бўлди. Сўнгги икки турда эса дуранг натижага қайд этиб, жами 5 очко билан ҳамюртимиз мусобақа пешқадамининг энг яқин таъкибчиси бўлиб турибди.

Швейцарча тизимда ўтказилаётган, 11 турдан иборат ушбу турнир 13 декабрь кунга яқунлашади. Унинг соврин жамғармаси 21 800 АҚШ долларини ташкил қилади.

○ Реклама ва эълонлар

▼ БОКС

ЁШ БОКСЧИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Акмалбек Қосимов олтин медални қўлга киритди.

Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) томонидан ташкил этилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг олтидан зийд мамлакатидан 400 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

69 килограмм вазн тоифасида дастлабки жангда Янги Зеландия вакили Давид Нийкани иккинчи раундда мулқат устунлик билан енгган ҳамюртимиз иккинчи беллашууда грузиялик Константин Хвистинани 12:6, чорак финалда қозонгонлик Айтжан Шлейвени 16:9, ярим финалда хитойлик Жиди Жангни 17:14 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Хал қилувчи баҳсда украиналик Артём Соловёв устидан 17:7 ҳисобида галаба қозониб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Ушбу вазн тоифасида украиналик Артём Соловёв кумуш, хитойлик Жиди Жанг ва туркиялик Усмон Ойдин бронза медалларни қўлга киритди.

Бокс бўйича ёшлар ўртасида мамлакатимиз чемпиони Муроджон Аҳмадалиев вазни 49 килограмм бўлган боксчилар баҳсида франциялик Маркус Гевинани 17:16, венецузалик Робертсон Перезни 26:15, чорак финалда мўғулстонлик Гандулам Мунгун-Эрденини 24:14, ярим финалда филиппинлик Жейд Борнеани 24:15 ҳисобида енгиб, шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритган бокс бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

▼ ФУТБОЛ

ЯРИМФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Японияда ўтказилаётган клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатида чорак финал баҳслари бўлиб ўтди. Япониянинг «Санфрече Хиросима» жамоаси Мисрнинг «Ал-Аҳли» клубига қарши майдонга тушди.

Қизилқарни кечган баҳс 1:2 ҳисобида африкаликларнинг галабаси билан якунланди. Энди ярим финалда «Ал-Аҳли» Бразилиянинг «Коринтианс» клубига қарши майдонга тушади.

Чорак финалнинг яна бир жуфтлиги — Жанубий Кореянинг «Улсан Хондай» ҳамда Кучиканинг «Монтеррей» жамоалари ўртасидаги баҳсида эса китавдошларимиз 1:3 ҳисобида мағлуб бўлишган. «Монтеррей» жамоаси ярим финалда Европа чемпионлар лигаси голиби бўлган Англиянинг «Челси» жамоасига қарши баҳс юритади.

Ярим финал баҳслари 12-13 декабрь кунларида ўтказилади. Финал баҳси эса 16 декабрь кунига белгиланган.

Маълумки, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати китъа Чемпионлар Лигасида голиб чиққан жамоалари ўртасида ўтказилади. Шунингдек, мезбон давлатнинг битта жамоаси ҳам курашга қўшилиши мумкин. Мусобақанинг асосий хомийси «Toyota» компанияси бўлиб, турнир шу компания номи билан ҳам юритади.

Азиз НУРИЛЛАЕВ

Advertisement for 'SARAFONDQO RGAZMASERVIS' (SARAFONDQO RGAZMASERVIS) offering various services and loans.

Advertisement for '2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИНИ БОШЛАНДИ!' (2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!).

Advertisement for 'Кемжак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!' (Кемжак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!).

Advertisement for 'Замонавий қурилиш маълумоти ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!' (Замонавий қурилиш маълумоти ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!).

Advertisement for 'CHILONZOR ULGURJI SAVDO' (CHILONZOR ULGURJI SAVDO) listing various construction materials.

Advertisement for 'МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!' (МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!) listing various tractor models.

Advertisement for 'Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ' (Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ).

Advertisement for 'МУАССИСЛАР:' (МУАССИСЛАР:) listing various organizations and services.

Advertisement for 'ТАХРИР ХАЙЪАТИ:' (ТАХРИР ХАЙЪАТИ:) listing the editorial board members.

Advertisement for 'ТЕЛЕФОНЛАР:' (ТЕЛЕФОНЛАР:) listing phone numbers for various departments.

Advertisement for 'Реклама ва эълонлар' (Реклама ва эълонлар) listing advertising rates.